(тахминан 1803/ 06-1842, Кўкон)
(1822-1841)

Минглар сулоласидан бўлган Кўкон хони. Умархон ва Нодиранинг ўгли. Отаси Умархон вафотидан кейин 17 ёшида тахтга ўтирган. Хукмронлик даврида хонлик худудини кенгайтиришга уринган. Жанубий Олай тог этагида тожиклар бўйсундирилган. Коратегин бутунлай, Дарвоз, Шугнон, Рошан, Вохонфакат номигагина забт этилган. 1829-йилда Кашкарга юриш килган. Унинг бу харакатидан фойдаланган Кашкар мусулмонлари хитойларга карши бош кўтарган. Маглуб бўлган уйгурлардан 70 минги Мухаммад Алихон билан бирга кайтиб, Кўкон хонлигидаги шахарларга (жумладан, Тошкентга) жойлаштирилган. Мухаммад Алихон Кашкарга килган кайта-кайта хужуми натижасида Шаркий Туркистон шахарларидан бож йигиш хукукини олган. Мухаммад Алихон хукмронлиги даврида сугориш ишлари йўлга кўйилган. Тошкент якинида Хонарик казилган. Тошкент хокими Лашкар кушбеги Мухаммад Алихоннинг якин маслахатчиси бўлиб колган. Россия билан савдо ва дипломатик алокалар яхши йўлга кўйилган. 1828-йилда Кўкондан Санкт-Петербургга элчилар боради ва улар яхши кутиб олинади. 1830-йилда Кўконга Россия элчиси хорунжий Потанин келади.
Мухаммад Алихоннинг хукмронлик даврида Кўкон-Бухоро муносабатлари кескин ёмонлашади. Улар орасида бўлиб ўтган урушлар натижасида Бухоро амири Насруллахон Кўкон кўшинини тор-мор килади. Мухаммад Алихон ўзини ноилож амирнинг ноиби деб эътироф килади. Орадан икки йил ўтгач, 1841-йилнинг октябрида Кўконда хон зулмига карши халк кўзголони кўтарилади.
Мухаммад Алихон ичкиликбозлик ва ахлоксизликка берилади. Бухоро–Кўкон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви ва тез-тез такрорланиб турадиган харбий тўкнашувлар шунга олиб келдики, Мухаммад Алихон 1841-йил ноябрда укаси Султон махмуд фойдасига тахтдан воз кечади, шундай бўлса хам 1842-йилда апрелда Бухоро амири Насруллахон Кўконни забт этди ва Мухаммад Алихонни, укаси Султон Махмудхонни, онаси Нодирабегимни катл эттиради.
Мухаммад Алихон газаллар ёзган, унинг буйригига биноан, хаттотлар Алишер Навоий асарларини миниатюралар билан безатиб кўчирган, кўплаб тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима килинган. Мухаммад Алихон даврида мактаб ва мадрасалар курилган (мас. Мадалихон мадрасаси), Кўконнинг эски ўрдаси таъмирланган.